

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТИ**

География кафедраси доценти Ш.Шумахановнинг

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ГЕОСИЁСИЙ
ВАЗИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

ИЛМИЙ МАҚОЛАСИ

НАМАНГАН-2018

Жумаханов Ш.З.*

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ГЕОСИЁСИЙ ВАЗИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада Марказий Осиё мамлакатларида шаклланган янги геосиёсий вазият таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлатлараро муносабатлар, миллий манфаатлар, ҳамкорлик алоқалари, ички ишларига аралашмаслик тамойили, ташиқи сиёсий фаолият концепцияси, ҳарбий блоклар.

ОСОБЕННОСТИ ГЕОПОЛИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В РЕГИОНЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация: В этой статье анализируется новая геополитическая ситуация в странах Центральной Азии

Ключевые слова: Межгосударственные отношения, национальные интересы, партнерские связи, принцип невмешательства во внутренние дела, концепция внешней политики, военные блоки.

PECULIARITIES OF THE GEOPOLITIC SITUATION IN THE REGION OF CENTRAL ASIA

Annotation: This article analyzes a new geopolitical situation in the countries of Central Asia

Key words: Interstate relations, national interests, partnership relations, the principle of non-interference in internal affairs, the concept of outer policy, military blocs.

Ҳар қандай давлатлараро муносабатларни манфаатлар белгилайди. Ҳар бир давлат ўз миллий манфаатлари нуқтаи назаридан бошқа давлатлар билан муносабатга киришади, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиради. Манфаатлар, аввало, тенг ҳуқуқли, яъни бошқа давлатнинг мустақиллигини ва манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда, ички ишларига аралашмаслик тамойилари асосида, ҳар икки томонга фойдали бўлган шартнома ва келишувлар орқали ёки таъсир кўрсатиш орқали рўёбга чиқарилади.

*Жумаханов Шавкатжон Зоиржонович- Наманган давлат университети География кафедраси доценти.
E-mail: shavkat_72@mail.ru.

Марказий Осиё ҳудудлари қадим замонлардан узоқ ва яқин қўшни давлатлар диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган. Милоддан олдинги даврда Эрон ҳукмдори Доро-I, Юнонистон подшоҳи Александр Македонскийларнинг Марказий Осиё ҳудудларини босиб олишга қаратилган тажовузкорона ҳаракатларига тарихнинг ўзи гувоҳ. Кейинги асрларда Кушонийлар томонидан Марказий Осиёни босиб олиниши, Шарқий Туркистондан Турк ҳоконларининг ҳужумлари, милодий VII-VIII асрларда араб халифалигининг Марказий Осиёни забт этиши, XIII – асрнинг бошларида Чингизхон бошчилигидаги қудратли муғул империяси кўп сонли қўшинларини Марказий Осиёга бостириб кириши ўлканинг нақадар улкан геосиёсий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Евроосиёнинг “юраги”да жойлашган минтақамиз Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир. Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўплаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд. Айни пайтда Марказий Осиёда қудратли давлатларнинг манфаатлари кесишмоқда, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда” [1].

Зеро, Марказий Осиё давлатлари учун халқаро муносабатлардаги энг катта манфаат бу улар мустақиллигининг ҳурмат қилинишидир. Манфаатнинг кўнгли бўлмайди, балки сиёсий кучларнинг мезони муносабатларнинг асосини белгилайди.

Хўш, Марказий Осиё ўзидаги қандай жозибали томонлари билан кўплаб ҳукмдорлар эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда? **Биринчидан,**

Марказий Осиё географик жойлашув нуктаи назаридан тарихий “Буюк Ипак йўли” ҳамда Ҳиндистондан шимолий ўлкаларга - Россия ва Европага ўтадиган савдо йўли кесишган жойда, стратегик нуктаи назардан қулай минтақада жойлашган. **Иккинчидан**, Марказий Осиё ва айниқса, Ўзбекистон ўзининг бой табиий бойликлари билан қадим замонлардан буён кўплаб ҳукмдорлар эътиборини ўзига тортиб келган, ўша замонлардаги йирик давлатларнинг геосиёсий манфаатлари доирасидан ўрин олган эди. Бу эса ўз навбатида йирик давлатларнинг Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонни ўз геосиёсий манфаатлари доирасига киришини эълон қилиб, минтақада фаол ҳаракатлар олиб боришга ундаган.

Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифок республикаларидан фарқли ўлароқ, мустақилликка эришганидан сўнг бошқа мамлакатлар билан тенг, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди. Ўзбекистон Республикаси ўз атрофидаги тўрт ядровий давлат: Россия, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон ва Покистон билан шундай ташқи сиёсатни йўлга қўйганки, уларнинг бирортасига ён босиш ёки яқин ҳарбий ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатни олиб бормайди. Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида дунёдаги ҳар бир мамлакат билан тенг ҳуқуқли яқин қўшничилик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсатини олиб бораётганлиги туфайли ҳам мамлакатимизда устувор барқарор вазият вужудга келди ва Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан ривожланиб бормоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, жаҳондаги бугунги ижтимоий-сиёсий вазиятда ушбу барқарорлик ҳолати исталган лаҳзада ички ва ташқи омиллар таъсирида беқарорликка айланиши мумкин. Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларига туташган Афғонистон Республикасидаги бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган уруш ҳаракатлари, НАТО ҳарбий кучларининг ушбу давлатда жойлашганлиги, диний- экстремистик ва халқаро террористик ташкилотларнинг (“Ал-Қоида”, “Толибон”, ИШИД) фаоллашуви минтақадаги ҳарбий – сиёсий вазиятни беқарорлаштириши мумкин. Афғонистондаги уруш мамлакатнинг шундоқ

хам яхши ривожланмаган иқтисодиётини бошдан-оёқ вайрон қилди. Бу уруш ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларига “илиқ денгизлар”- даги портларга чиқиш ва шу йўл билан жаҳон хўжалик алоқалари тизимига қўшилиш имконини берадиган янги транспорт –коммуникацияларини очиш йўлида асосий ғов бўлмоқда[2, б.126.].

Сўнгги йилларда халқаро терроризм ва диний экстремизмни Ислом дини билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш айниқса Ғарб мамлакатларида тобора оммавий тус олмоқда. Бу эса дунё бўйлаб “Исломофобия”-ни, яъни ислом динини ёмон отлиқ қилиш, бадном этишни ёйилишига сабаб бўлмоқда. Зеро, террористик ва экстремистик ҳаракатлар Ислом динидан ташқари христианлик, буддавийлик, яҳудийлик(сионизм) ва бошқа миллий динларда ҳам учраши барчага маълум. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ислом дини хусусида гапириб, жумладан шундай деди: “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз” [3].

Ўзбекистон раҳбарияти 2012 йил 10 сентябрда минтақадаги барқарор вазиятни сақлаб қолиш йўлида қуйидаги асосий жиҳатлардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясини қабул қилган:

1. Ўзбекистон мамлакатдаги миллий манфаатларга зид келмаслик шарти билан иттифоқлар ва халқаро ташкилотларда иштирок этиш ҳуқуқини ўзида қолдиради.

- 2.Ўзбекистон турли ҳарбий блокларда иштирок этмайди ва ташкилот ҳарбийлаштирилган тақдирда ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳар қандай хорижий базалар ёки объектларни жойлаштирмайди.

- 4.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари чет-элдаги ҳарбий операцияларда иштирок этмайди[4].

Ўзбекистон шунингдек, Марказий Осиё минтақасида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида Россия Федерацияси ва ХХР билан доимий мувозанатни сақлаш борасида улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсатини олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг қулай геосиёсий ҳолати, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга табиий бойликлари захираси эътиборга олинса, мамлакатимизда бир неча буюк давлатларнинг манфаатлари тўқнаш келиши мумкин.

Ўзбекистонни ўз геосиёсий таъсири остига олиш, минтақада иқтисодий, ҳарбий, бизнес манфаатларини кенгайтириш учун АҚШ, Европа Иттифоқи ҳамда Россия Федерацияси сиёсий доиралари томонидан олиб борилаётган фаол ҳаракатлар бундан далолат беради. Бундай вазиятда Ўзбекистон ўзи танлаган йўлидан боришни афзал кўриб, минтақада ўзининг барқарор сиёсий ва иқтисодий позициясини мустаҳкамлаб бормоқда.

Марказий Осиё минтақасида фаол иқтисоди, ижтимоий сиёсат юритаётган АҚШ, Россия ва Хитой билан муносабатларда мувозанат сақлаб туриш ўта нозик масала бўлгани учун ҳам Марказий Осиё ҳукуматлари у ёки бу йўналишда конкрет қадам ташламасдан, балки хавфсизлик ва барқарорликка кўпроқ эътибор қаратиб келади. Марказий Осиё давлатлари халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида ўз миллий манфаатларини ҳимоя қила олиши, минтақадаги фаол ва қудратли давлатлар билан муносабатда мувозанатни йўқотмаслик учун ҳам ташқи сиёсатнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиши лозим. Бунинг учун **биринчидан**, Марказий Осиё давлатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда танлаган йўли демократик, очиқ бозор, инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши тамойилларига асосланган бўлиши лозим. Танланган йўл ўзига хос характерга эга бўлгани билан очиқ жамият ва демократик давлатларнинг бу борадаги принципларига мувофиқдир; **иккинчидан**, Марказий Осиё давлатлари турли грантлар ташкил қилиш орқали ёшларни Россия, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи ва АҚШга ўқишга жўнатиши, олимлар ва тадқиқотчилар, турли университет ва

илм масканлари ўрасида кенг алоқаларни йўлга қўйиши керак; **учинчидан**, Марказий Осиё давлатлари минтақада турли ҳудудий муаммоларни дипломатик йўллар билан ҳал қилиши жуда муҳимдир; **тўртинчидан** Марказий Осиё давлатлари айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга оширлари муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-sama-10-11-2017>
2. Хўжанов Б. Миллий муносабатлар: геосиёсат ва геомафкура мувозанати. Ижтимоий фикр, инсон ҳуқуқлари. Ўзбекистон гуманитар журнали. 2017 й. №1(77) сон, 126-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 2017 йил 19 сентябрь. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2017 йил 21 сентябрь, № 117(32322).
4. “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Ахборотномаси. Тошкент, 2012 й, сентябрь.